
Риштон тумани ҳоқими ҳам ўзи муносиб кўрган номзодга овоз берди
Бугун, 24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтаяпти.
Эрта тонгдан Риштон туманидаги 826-сайлов участкасида ҳам сайловлар кўтаринки
руҳда бошланди.

Риштон тумани 1-сектор раҳбари, туман ҳоқими Суфҳонжон Солиев ҳам мазкур сайлов участкасига бориб, сайловда иштирок этди ва ўзи муносиб деб билган номзодга овоз берди.

Бугун никоҳ тўйи бўлаётган Риштон тумани Тошоғолиқ МФЙда яшовчи Қобулжон Охунов ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этди.

Ёш келин-куёвлар “Ўзбек-тожик” дўстлик жамиятида жойлашган 856-сайлов участкасига бориб, ўзлари танлаган номзодга овоз беришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро кузатувчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бугун Огайо Давлат университетининг сиёсий фанлар факультети профессори Брайан Поллинс Риштон тумани Зоҳидон МФЙ, Риштон педагогика коллежи жойлашган 822-сайлов участкасига ташриф буюриб, бу ердаги жараёнлар билан танишди.

Зайлобиддин Йигиталиев,

"Риштон ҳақиқати" газетаси муҳаррири.

2021-10-24 13:48:56